

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МЕДИАКОНТЕНТИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МАСАЛАСИ

Воҳидова Нозима Раҳимовна,

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети,

Халқаро журналистика факультети тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада миллий қадриятларни медиаконтентда намоён қилишда шакл ва мазмун масалалари таҳлил қилинади. Ўрганиш жараёнида медиаконтент орқали маданий ва маънавий қадриятларнинг сақланиши ва тарқалиши, визуал ва матнли воситаларнинг таъсири, шунингдек аудиториянинг қабул қилиш механизмлари таҳлил қилинади. Мақолада миллий идентичликни мустаҳкамлашда медианинг роли ва самарали коммуникация усуллари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: миллий қадриятлар, медиаконтент, шакл ва мазмун, маданий идентичлик, визуал ва матнли воситалар, оммавий коммуникация.

ISSUES OF FORM AND CONTENT OF NATIONAL VALUES IN MEDIA CONTENT

Vohidova Nozima Rahimovna,

+Researcher at the Faculty of International Journalism, Uzbekistan State

University of World Languages

Annotation: The article analyzes issues of form and content in the representation of national values in media content. The study examines how media content contributes to the preservation and dissemination of cultural and spiritual values, the impact of visual and textual tools, and the mechanisms through which audiences perceive such content. The article also discusses the role of media and effective communication methods in strengthening national identity.

Keywords: national values, media content, form and content, cultural identity, visual and textual tools, mass communication.

Ўзбекистон телевидениеси ўтмиши ва илк медиаконтентнинг эфирга узатилиш санаси анчагина узоққа бориб тақалади. Агар жаҳон телевидениеси тарихига назар ташласак, унинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади.

“...1928 йилда *Тошкентда дунёда биринчи бўлиб* (курсив ва таъкид бизники – Н.В.)¹, тасвирни узатиш имкониятига эга бўлган физик қурилма – “телефот”га асос солинди. Бу эса кейинчалик жаҳонда илк телевидениенинг пайдо бўлишига сабаб бўлди, дейиш мумкин”². Дунёнинг ривожланган давлатлари – АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия қатори Ўзбекистонда телевидение ўз фаолиятини биринчилардан бўлиб бошлагани тарихий воқелик саналади.

Ўзбек ТЕЛЕКОНТЕНТИнинг шакл ва мазмуни тарихан худди шу сана – 1956 йил 5 ноябрдан бошланди. Гарчанд биттагина телеканал ўз медиамаҳсулотларини эфирга узатган бўлса ҳам... Худди шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу ўз-ўзидан пайдо бўлдимиз ёки ўзбек телевидениесининг ҳаёлий тасаввурлари аجدодлар орзусида шаклланган эдимиз?

Бу ҳақда тарих фанлари номзоди Анвар Каримов китобида яхшигина ва дадил мулоҳазалар келтирилган. Мана, у нима деб ёзади: “Инсонлар жуда қадим замонлардан буён ер юзидаги олис жойлар, самовотдаги юлдузлар олами, денгизлар тубидаги ажойиботларни яқиндан кўрсатувчи воситаларни орзу қилишган. “Ойнаи жаҳон”, “Жоми Жамшид”, “Искандар кўзгуси” ҳақидаги афсона, ривоятлар Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган”³. Кейин муаллиф ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан мисра- далил келтириб, юқоридаги фикрини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг бу фикрларига эътирозимиз йўқ. Аммо, биз ўртага ташламоқчи бўлган масала бошқа. Яъни, ҳақиқатни ёритиш, воқеликни фақат борица кўрсатиш тўғрисида. Айнан шу муаммо биз ўрганаётга мавзунинг туб моҳиятини ташкил этади. Миллий қадриятлар медиаконтентини бор бўйи басти билан оммага етказиш, айнан ўзидек, ўзбеклигимизга хос ва мос ҳолатда кузатувчи ва ёки томошабинга кўрсатиш асосий мақсад бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг кадр-қиммати ва тарбиявий самараси деярли бўлмайди. Шунинг учун шарқ мумтоз адабиётида учрайдиган, халқларнинг асрий орзуси – фақат ҳақиқатни

¹ Ўзбекистон телерадиоси (Китоб-энциклопедия), Тошкент. “IJOD-PRESS” нашриёти, 2022. – Б.3.

²

³ Каримов А., Ўзбекистонда телевидение, Тошкент, Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1964, 45 саҳифа, 6-бет; Шу муаллиф, Ойнаи жаҳон фидойилари, Тошкент, “Тафаккур”, 2009, 168 саҳифа, 8- бет

кўрсатадиган **КЎЗГУ** ҳақидаги баҳсимизни ўртоқлашишни мақсад этдик. Чунки, мана шу масала бироз назардан четда қолиб кетгандек фикр уйғотади. Ваҳоланки, халқлар қадимда жуда кўп ноҳақликларга дуч бўлишган. Авом омманинг дарду ҳасратини доим ҳам эшитиб, унинг оғирини енгил қилиш, машаққат ва адолатсизликлардан ҳимоя қиладиган одил шоҳ орзуси орзулигича қолиб келаверган. Барча уриниш ва ҳаракатларидан ижобий натижа ололмаган ва ҳафсаласи пир бўлган фуқаро (фақирлар дегани, аслида – Н. В.) ҳеч нимага ишонмай, эртанги кун фаровонлиги ҳақидаги гап ва ваъдалардан умидини узган. Бу борада тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳам айнан шу муаммо аҳолининг жабрдийда қатламини қийнаб келади. Шунинг учун аجدодларимиз нафақат бутун оламни кўрсатадиган “Ойнаи жаҳон”ни ихтиро қилишни орзу қилишган, балки ҳақиқатни ошкор, намойиш қиладиган усқунани яъни “Ойнаи Чин”ни бунёд этишни хаёл қилишган. Буни ҳазрат Навоий “Садди Искандарий” достонида қўйидагича баён қиладилар:

Ва лекин ики булжажаб тухфа ҳам,
Ки андоқ келиб булжажаб тухфа кам
–Бири кўзгуйи жоми Жамшиддек,
Сафо ичра миръоти хуршиддек. Ки
они фалак мехройин дебон, Вале
халқ Ойнаи Чин дебон.

Ики юз анга ою кундек ёруғ,
Вале тийра бўлмай бўлурдин очуқ.
Ёруғ ҳар юзи чехра кўргузгудек,
Демай бир юзи тийра рў кўзгудек.
Ҳақимики они тилисм айлабон,
Намойиш анга ики қисм айлабон.
Келиб бир юзи буйлаким чунки шоҳ,
Сўрар чоғида маснад уза додхоҳ.
Ки бир-бирга эл даъво изҳор этар,
Агар кимса даъвоға инкор этар.
Бу даъвода эрмас гувоҳ эҳтиёж,
Эрур кўзгу сори нигоҳ эҳтиёж.
Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,

Кўринмас юзи – бўлса ёлғон сўзи⁴.

Хўш, бу мисраларда нима ҳақда гап бормоқда ва бу мулоҳазалар бугунги кун телеконтентига нима алоқаси бор? Буюк шоир ва юксак тафаккур эгаси Навоий айтадики, “...иккита ажойиб тухфа бор эдиким, бундай таажжуб тухфа дунёда кам бўларди. Бунинг бири ойна бўлиб, Жамшиднинг жомини эслатарди. У ёруғликда қуёш ойнасига ўхшар эди. У фалак қуёши сингари бўлса ҳам, лекин халқ уни **“Ойнаи чин” (ҳақиқат ойнаси)** (курсив ва таъкид бизники – Н. В.) дер эди. Бу ойнанинг иккала бети ҳам ой ва кундек ёруғ бўлиб, сира зангламас ва доим биллурдан ҳам тиник эди. Бунинг бир бети киши аксини кўрсатадиган даражада ёруғ бўлгани ҳолда, иккинчи бети оддий ойналарникидай қора эмас эди. Уни тилсим қилиб ясаган ҳакимлар, у ойнанинг икки бетига икки хил кўрсатиш қобилиятини берган эдилар. Масалан, унинг бир юзи шундай ясалганки, қачон шоҳ адолат тахтига ўтириб, халқнинг арз-додига етмоқчи бўлса, кишилар бир-бири билан даъволашиб, булардан бири нариги томоннинг даъвосини инкор этса, даъвонинг қанчалик ҳақ эканини аниқлаш учун гувоҳ керак эмас, жавоб эгасининг ойнага бир қараши кифоя эди. Ўша қарашда агар даъвоси рост бўлса – ойнада юзи кўринар эди; ёлғон сўзлаган бўлса-чи – юзи кўринмасди”⁵. Равшан бўлаётирки, ўша давр ва замон учун бундай кашфиётларни ҳаёл қилиш учун теран тафаккур, илғор фикр, қолверса катта ақл ва заковат керак эди. Навоийнинг буюклиги ҳам шунда, аслида. Нега ёлғон гапирган одамнинг юзи “Ойнаи Чин”да кўринмаслиги керак, деган савол туғилади? Ахир, аксинча бўлиши керак эмасми? Алдамчининг юзини ҳамма кўриши ва изза қилиниши шарт эмасми, аслида? Йўқ, бу иқтибосда гап бошқа ёқда – ҳижолат бўлиш, уялиш ва алаҳхусус: уни тарбияси ҳақида гап кетаётир. Халқимизда шундай мақол бор: “Алдамчининг юзи шувут, рози бўлмас ундан эл-юрт”. Навоий ҳазратлари худди шу масалани – ёлғончинининг юзини кўрсатмай, товбасига тазарру қилиб, унинг тарбиясига диққатни қаратаптилар. Шунинг учун ҳам “Ойнаи Чин”да: “Агар сўзи

⁴ Алишер Навоий, Садди Искандарий, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 832 саҳифа, 328-бет

⁵ Шу асар, 707-бет

чиндур – кўринур юзи, Кўринмас юзи – бўлса ёлгон сўзи”.

Бу муаммо бугуннинг долзарб масаласи сифатида баҳоланмоғи ва ўзининг кадр-қиммати зоррача йўқотмаганлигини таъкидлаш лозимдир. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг видеоселектор орқали олиб бораётган ҳар бир мажлис ва йиғинларда фақат тўғри сўз ва адолат борасида гап бораётганлиги барчага аён. Афсуски, иқтисодий- маънавий- сиёсий ислохотларнинг амалий самараси мана шундай: нотўғри ахборот бериш, қўшиб ёзиш, сўзда бўлак, амалда бошқа каби ёлгонларнинг салбий тўсиғи сабаб: жуда секинлик билан ҳаётга тадбиқ қилинаётгандек туюлади. Президентимизнинг жонкуярлик билан миллат ва халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган одилona сиёсатининг таъсири ва самараси айрим мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида жойларда ўз ижобий натижасини бермаётгандек, гўё... Шу ҳолатларни ошкора оммага етказиш учун эса “Ойнаи Чин” етишмаётганга ўхшайди. Агар, ҳақиқатдан ҳам оммавий ахборот воситалар – “тўртинчи ҳокимият” саналар экан, унинг асосийва таянч тармоғи ҳисобланмиш – телевидение соҳасида ислохотлар ўтказиш вақти келганлигини давр кун тартибига аллақачон талаб қилиб қўйди. Бу эса кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бироқ Ўзбекистон телеканалларининг қувонса бўладиган томонлари, мақтаса арзигулик жиҳатлари ҳам борлигини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, Ўзбекистонда нафақат телеканаллар сони ошиб кетди, балки сифат даражаси ҳам жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган медиамаҳсулотлар билан бойимокда. Ҳар бир ўзбек телеканалининг намоиш қилиш дизайни, шаклу шамойили, формати – айнан унинг ўзига мос ва мувофиқлик йўналишидан келиб чиқиб, телеконтент яратиш тажрибасига эга бўлди. Мисол учун кўнгилочар канал дастурларининг шакли, формати ва жанри спорт каналидаги телеконтентга ўхшамаслиги, мутлақо бошқа форматда эфирга узатилиб келинмокда. Бу эса телевидение ходимларининг бетиним изланишидан, ҳар кунги эфирга ижодкорона ёндашуvidан далолат, аслида. Бу ҳақда илмий тадқиқот ва

монографиялар яратилганини ҳам қайд этиб ўтишимиз зарур⁶. Бирок телеканалларнинг шакл ва мазмунини, телеконтентларнинг форматини қиёсий тарзда ўрганиш ва уларга бағишланган, давр талабига мос келадиган илмий таҳлиллар етишмайди. Биз буни 1-ҳаволада давлат, хусусий ва тижорат телеканаллари мисолида, қиёсий-типологик тарзда ёритишга, илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1-ҳавола

ШАКЛ-ШАМОЙИЛИ	ТЕЛЕКАНАЛЛАР	КЎРИМЛИ ДАСТУРЛАР ЖАНРЛАРИ
Кўнгилочар телевидение	“O'zbekiston”, “Madaniyat va ma'rifat”, “Sevimli TV”, “Mahalla” “ZO'R TV”, “Toshkent”, “Yoshlar”, “Mening Yurtim”, “Milliy TV”, “Дунё бўйлаб”, “Кинотеатр”, “Oilaviy”	Сериаллар, бадиий фильмлар, кўнгилочар дастурлар
Таълимий телевидение	“Madaniyat va ma'rifat”, “UzReport”, “Foreign Languages”, “Ўзбекистон тарихи”, “Oilaviy”	Телесабоқлар, чет тили дарслари, хужжатли фильмлар
Таҳлилий ва янгиликлар телевидениеси	“O'zbekiston 24”, “Yoshlar”, “Toshkent”	Ахборот-таҳлилий дастурлар, янгилик кўрсатувлари
Болалар телевидениеси	“Aqlvoy”, “Bolajon”	Мультфильмлар, кўғирчоқ театри намойишлари
Муסיқий телевидение	“Navo”, “8” “TTV”	Муסיқий клиплар, шашмақом ва яккахон концертлар

⁶ Каримов А., Становление и развитие телевидения Узбекистана 1957-1967 гг. Автореф. дисс. канд. ист. наук, Ташкент, 1971; Есин А., Радио и телевидение Узбекистана: рост, достижения, проблемы, Ташкент, «Узбекистан» 1975; Фаязов М. Средства массовой информации и нравственное воспитание. Ташкент, «Узбекистан», 1981; Асадуллаев М., Телевиденининг назарий ва амалий асослари, Ташкент, “Мумтозсўз”, 2021; Махамедов М., Умр лаҳзалари. Режиссёрнинг ҳаёт кечинмалари. –Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018; Ўтаев Ў. Телевидение – табаррук маскан. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2010; Ўрмонова С., Тележурналист, Тошкент, “ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ”, 2021; Каримов А. А., Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонуният сифатида, Тошкент, “ADABIYOT”, 2021; Хаджаев А., Ҳайитов Ш. Радио ва телевидение: Ўқув-услубий қўлланма.– Тошкент, “IJOD-PRESS”, 2022; Шу муаллифлар, Ўзбекистон телерадиоси (Китоб-энциклопедия), Тошкент, “IJOD-PRESS” нашриёти, 2022; Шу муаллифлар, Телевидение менинг тақдиримда (Эссе, бади, мақолалар), Тошкент, “IJOD-PRESS”, 2022; Шу муаллифлар, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниси: замон билан ҳамкадам, Тошкент, “IJOD-PRESS”, 2022 ва ҳоказо

Спорт телевидениеси	“Sport”, “ZO’R TV”, “Футбол TV”	Спорт дастурлари ва янгиликлари
---------------------	---------------------------------	---------------------------------

Энди, жадвалнинг баёнидан келиб чиқадиган бўлсак, телеконтентларнинг мазмуни, муайян каналнинг формати, унинг ички моҳиятига ва танлаган йўналишига айнан мос тушади, деб айтиш мумкин. Бироқ, айрим телеканаллар аудитория талаб ва таклифидан келиб чиқиб, ўз йўналишидан чиқиб, эркин эфир мойиллигини афзал кўришади. Аслида, бу ижодий ва ўзаро акс таъсир ёндашув – тўғри ҳамдир. Бу, бир томондан эфир эркинлигини белгиласа, иккинчидан телеканал жамоасининг ижодкорлик КОНТЕНТини кўрсатади. Масалан, яқинда эфирга узатилган футбол бўйича Европа чемпионатини “ZO’R” телеканалли орқали томоша қилдик. Савол туғилади: нега бошқа телеканаллар, хоҳ у хусусий ва ёки давлатники бўлсин, бу намоёнишни эфирга узатмади? Бунга қўйидагича, тахминий жавоб айтиш мумкин. Тўғри, эфир соатлари ҳам маблағни, қолаверса, тадбиркорликни тақозо этади. Бироқ, яна бир ҳақиқат борки, биринчидан бу – давлат ва хусусий телеканаллар ўртасидаги ижодкорона рақобат бўлса, иккинчидан молиявий манфаатга боғлиқлик томонининг мавжудлигидир. Дейлик, бирор-бир давлат телеканалли раҳбарияти, молиявий муаммони деярли, мустақил ҳал қила олмайди ва бу масала бюджет маблағига, шунингдек, ажратиладиган Давлат сметасига бориб тақалади. Хусусий телеканалда эса, маблағдан ташқари, масалани тезкор ҳал қилиш босқичи ҳам муаммони ҳал қилинишига ижобий таъсир кўрсатади. Пировард натижада жуда кўп масалалар ПУЛга боғлиқлигидан ташқари, муайян масалани тезкор – “оператив” ҳал қилинишини кўрсатади. Ёки жадвалдаги яна бир далилга мурожаат қилсак... “Таълимий телевидение”да фақат бир хил контентдаги медиамаҳсулот берилса, зерикарли эфирга айланиши мумкин. Шунинг учун томошабиннинг миграция (бошқа каналга ўтиш) ҳолатини юзага келтирмасдан, таълимий дастурлар КОНТЕНТини ранг-баранг медиамаҳсулотлар билан қоришиқ ҳолда эфирга узатилса, телеканалнинг аудиторияси кенгайишига ва рейтингини юқорилашига олиб келади, деб тахмин қилиш мумкин. Кези келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, айрим

телеканалларда “Ретро – контент” услубда медиамаҳсулотларни эфирга бериш анъанаси борки, буни, албатта ёқлаш ва қўллаш лозим. Масалан, “Mahalla” телеканалида эфирга узатилаётган миллий қадрият ва ўзлигимизни тараннум этадиган ретро фильмлар ҳамда кўнгилочар дастурларнинг намоиши, шубҳа йўқки, ёшларни комиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, деб умид қилса бўлади. Тўғри, замонавий фильм ва бошқа дастурларнинг ҳам таъсир доираси кенг бўлиши мумкин. Аммо, давр синовидан ўтган бадиий фильм ва “ретро- ханда” каби медиаконтентларнинг аудиторияси кенгроқ. Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи телеконтентларнинг савияси, маънавий озуқа бериш рейтинги жуда паст. Масалан “Sevimli TV” да эфирга кетадиган “Ilk uchrashuv” медиамаҳсулотини, аввало олқишлаш лозим. Сабаб: икки ёшни бахтли қилиш мақсадида ташкил қилинган телеконтент. Ҳатто баъзи ёшлар шу телелойиҳа сабаб, ўз бахтларини топишди. Тўғри, бир хил қолипда қолиб кетмаслик ва бошқа дастурларга ўхшамаган ҳолда медиамаҳсулот яратиш: бу ҳам ижодий гуруҳнинг изланувчанлигидан далолатдир. Бироқ, кўрсатувнинг айрим сонларида ўта примитив ва миллатнинг менталитетига зид одатларни ташвиқ қилишига йўналтирилгандек фикр уйғотади. Бу контентда олға сурилаётган талқинлар томошабинга қандай маънавий озуқа ва ёки кимларни нимага ундаётгани аниқ эмас. Масалан телеконтентнинг бир сонидида бошловчи кўёвнинг холаси ролини ўйнаётган актрисага мурожаат қилмоқчи бўлиб, микрофон тутганида, у “хола”: “торт микрофонингни, микрофонинг бошингда қолсин”, - дейди. Ҳатто, мазкур кўрсатувдан қўйилган шу парча – анонсда ҳам қайта-қайта эфирга узатилди. Ахир бу гап: қарғиш – ўлим тилаш эканлигини, наҳотки ижодий гуруҳ билмаса... Бизнинг халқ шу қадар донишманд ва доноки, ўлим билан боғлиқ қарғишларни “қоғозга ўраб” айтади. Яъни инсон кўнглига тегмайдиган тарзда ифода этишга ҳаракат қилади. Ўзбек қарғишлари ҳақида алоҳида илмий ишлар яратилган⁷лигини

⁷ Саримсоков Б., И., Олқишлар ва қарғишлар//Ўзбек фольклори очерклари, Уч томлик, Биринчи том, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1988, 288 саҳифа, 128-152-бетлар; Саттор Маҳмуд, Ўзбек удумлари, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1993, 224 саҳифа, 169-174-бетлар

эътиборга олсак, фикримиз янада равшанлашади. Ижодий гуруҳ шу масалаларни эфирга беришдан олдин ёки монтаж жараёнида эътиборга олишлари лозим эди. Ваҳоланки, бошловчи ва журналистнинг касб одоби ҳамиша муайян телеканал раҳбариятининг диққат марказида бўлиши керак. Бу борада устозимиз Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг салмоқли ва илмий теран ишларини айтиб ўтиш жоиз. Домла ёзадилар: “Миллий қадриятлар, миллий менталитет ва миллий одоб журналист касб одобининг негизи”⁸дир. Бу фикрларни қўшимча қиладиган бўлсак, телеконтент ва медиамаҳсулотларини обдон ўйлаб, муҳокама қилиб, кейин эфирга беришимиз шарт. Акс ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга салбий таъсир кўрсатиши ва шу тарбия усули билан онги шаклланиши эҳтимоли бор. Ушбу кўрсатув – “Илк учрашув”да бироз сунъийлик ранги баланддек, назаримизда.

⁸ Дўстмуҳаммад Х., Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил, Монография, Т.: “Янги аср авлоди”, 2007, 216 саҳифа, 78-бет

Чунки,бу каби эфир маҳсулотлари миллий менталитетимизга мос келмаётган жиҳатлари мавжуддек, назаримизда. Аввало, миллатнинг асл қадриятларидан келиб чиқиб, кейин эса замон руҳига мос, маънавий мазмуни самара берадиган КОНТЕНТ эфирга узатилиши керак. Акс ҳолда, бугунги закий ёш авлодни асл миллий қадриятлармиздан чағитишимиз мумкин. Шундай тарбия ва таълим (*медиамаҳсулот ҳам тарбиянинг бир тури, аслида – таъкид ва курсив бизники – Н. В.*) олаётган авлод эса, ташқи ножоиз таъсирларга тез берилувчан ва сиёсий-маънавий иммунитетини паст ёшлар бўлиб вояга етишади. Бу гап: давр сиёсий натижасида ўз тасдиғини билдирди. Иложи борича, бундай медиамаҳсулотларни эфирга берилмагани маъқул. Биринчидан, маблағ беҳудага сарф қилинади. Иккинчидан ва асосийси, бу каби телеконтентларнинг маънавийсамараси жуда паст. Ҳолбуки, бугунги томошабин – жуда зийрак ва синчковдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, давлат телеканалларига нисбатан хусусий ва тижорат телеканалларининг аудиторияси кенгайиб бормоқда. Мисол учун, туманларга борганингизда томошабинлардан: қайси телеканални томоша қиласиз, деб сўралганида, ҳеч иккиланмасдан “Sevimli” ёки “ZO’R TV” деган жавобни олинади. Хўш, бундай қарашларга нима сабаб бўлиши мумкин? Бизнингча, энг аввало бу телеканаллар нисбатан эркин ва томошабин эҳтиёжлари ҳамда талабларини ўрганиб чиқади.

Маълумки, телеканаллар тақдим этаётган КОНТЕНТЛАРни танлаш ва томоша қилиш масаласини кўрувчи талаби, хоҳиш-истаги ва билдираётган таклифи асосида ҳал қилиниши рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Чунки, телеканаллар томонидан тақдим этилаётган таклифлар, энг аввало томошабин учун. Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, медиабозорда ҳам, бошқа йўналиш ва соҳаларда бўлгани каби, “харидор”, “мижоз” талаби:

асосли ва сифат, аниқ ва ишонарли таклифга – замонавий КОНТЕНТга бориб тақалади. Қуйида медиабозор ва контент харидорлари учун телеканаллар таклифи, томошабин талабини 2-жадвал асосида фикримизни баён этишга,



Аслида ҳам бир мулоҳазали инсоннинг савия ва диди бошқасиникига ўхшамагани ва мос келмагани сингари, телеканалларнинг таклифи билан томошабин нуқтаи назари ва талаби, айнан бир-бирига тўғри келмайди. Келтирилган 2-жадвалда ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин бўлади. Масалан, телеканал қаршисида, томошабин асосан кечги пайт, хусусан оила даврасида йиғилади. Шунинг учун бундай вақтда кўнгилочар дастурларга талаб кучаяди. Мана, масалан “Sevimli” хусусий телеканалида берилаётган “Qizim” миллий сериали, айти шу пайтда – соат 19 берилди. Бу эса канал ходимларининг ижодий ёндашуvidан дарак, десак хато эмас. Мазкур миллий сериалда ҳам биз таҳлил қилаётган миллий қадриятлар жуда яхши ёритиб берилган. Тўғри, фильм контентда нуқсон ва камчиликлар бор.

Аммо ижодий гуруҳни табриклаш керакки, улар бугунда танқис бўлиб бораётган: яхшилик, эзгу амал, меҳр-оқибат, саховатпешалик, адолат тантанаси, ўз уйим – ўлан тўшагим, оила – муқаддас кўрғон эканлиги, бир болага етти маҳалла – ота-она, ота-она ризолги, эр-хотин қўш қанот, адолат ва ҳақиқат тантанаси каби жуда кўп миллий қадриятларимиз исломий таълим билан қоришиқ шаклда тақдим этилди. Алдамчилик, қабоҳат, кўролмаслик, бевафолик сингари ёмон ҳатти-ҳаракатларнинг оқибати –

охири “вой” эканлиги яна бир бор таъкид қилинди. Бу тарбия усули билан қанчадан-қанча замондошларимиз ўзларига тегишли хулоса чиқарган бўлса, ажаб эмас. Фильм-контентнинг таҳлили, камчилик ва муваффақиятлари алоҳида мавзу бўлганлиги боис: биз бу йўналишга батафсил тўхталмадик. Лекин, миллий қадриятларни бадиий намоиш этган миллий сериал билан барча ўзбекларни табрикласа бўлади. Сериал эфирга узатилган даврда бошқа телеканалларда ҳам шу каби телеконтент – теленовеллалар эфирга узатилди. Аммо жуда кўпчилик кузатувчилар шу “Qizim” миллий сериалини кўришга ўзларида эҳтиёж сезишди. Дарҳақиқат, томошабинларнинг бир телеканалдан иккинчисига ўтишлари учун: асос яъни ўзбекона ва тўлақонли миллий сценарий бўлиши керак. Бу биринчидан. Иккинчидан сценарий – КОНТЕНТ мақоми ва даражасига чиқиши лозим. Аниқроғи, шакл ва мазмуннинг ниҳоятда гўзал омухталлиги зарур. Шундагина медиамаҳсулотнинг “харидоргир”лиги таъминланади. Акс ҳолда, нафақат “Sevimli” каналининг аудиторияси, балки: умумий маънода, қайсидир ТЕЛЕКОНТЕНТнинг томошабини кўпайган пайтда, иккинчи каналнинг аудиторияси камайиши мумкин ва ёки аксинча. Бундай “ўтиш жараёни”ни телеканаллар дастури ва медиамаҳсулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш орқали билиб олса бўлади. Бунда, шакл ва мазмуннинг ўзаро узвийлик сифати асосий роль ўйнаши шубҳасиз.

Алқисса, миллий ўзлгимиз асоси бўлган – миллий қадриятларга бўлган сезгимиз ва қизиқиш тўйғуларимиз яшаяпти. Буни томошабинлар орасидаги баҳслардан ҳам билса бўлади. Демак, кичик хулоса қилса бўладики, миллий қадриятларга бўлган ТАЛАБ юқори экан, “Sevimli” каналининг ТАКЛИФИ ўзини тўла оқлади: ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИнинг кадр-қиммати давр ва замон билан ўлчанмас экан. Улар ҳар вақт ҳам ўзининг аҳамият ва моҳиятини йўқотмайди: ҳар бир авлод бу неъматларни сайқаллаштириб бораверади. Бироқ, яна ўша масала: закий томошабин кўзи ва нигоҳи билан қаралса, “харидоргир” медиамаҳсулот ҳам сифат ва кўримли, савияли ва маънавий озиқа берадиган бўлиши шарт. Худди шу нуқтада: замонавий

ТЕЛЕКОНТЕНТ яратиш ва шу билан томошабинни ёт унсурлардан қайтариш муҳим вазифадир. Президент айтганларидек, “...одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”⁹.

Биз шу ўринда бошқа телеканалларни камситмаган ҳолда бадиий пишиқ ва савияси юқори миллий сериаллар ёки теленовеллалар берилиши тарафдоримиз. Афсуски, бундай КОНТЕНТЛАР жуда кам. Шунинг назарга олганимизда, бошқа каналларда фильмлар намойиши камдек фикр уйғотгани учун ТАКЛИФ ўрнига ТАЛАБ доирасини каттароқ белгиладик. Тақдим қилинаётган муסיқий контент ҳам “Navo” телеканалини ҳисобга олмаганда бошқаларида камроқ. Қоришиқ медиаконтентларни ҳавола этиш, бизнингча томошабинни зерикиб қолмаслигига олиб келади. Ва натижада ҳар бир каналнинг рейтингини кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Албатта, ҳар бир телеконтентнинг мухлиси ва томошабини бор. Буни кенгайтириш ва оммалаштириш учун эса таклиф ва талаб уйғунлигини изчил ўрганиб, ҳар бир канал доимий ижодий жараёнда медиамаҳсулот тайёрлаб, сўнгра намойиш этиши зарур. Акс ҳолда муайян телеканал ўзининг контент форматини қайта кўриб чиқиши, уни шакллантириши лозим саналади. Бу эса анчайин жиддий масала яъники молиявий-иқтисодий муаммолари билан боғлиқ. Дейлик: оддий сахна декорациясини ўзгартириш ёки замонавий дизайн билан безатишкеракми – ўз-ўзидан маблағга бориб тақалади. Бюджетдан ажратилган ресурс эса ўзгармас ёки тақсимоли олдиндан белгиланган. Хуллас, телеконтент шакл ва мазмунининг идеал (гўзал) уйғунлиги, томошабинбоп медиамаҳсулотга айланиши, уларнинг маънавий эҳтиёжини қониқтириш учун ижодий гуруҳ ва муаллифлар зиммасига катта масъулият ва ижодкорона ёндашиш талаб этилади.

⁹<https://www.facebook.com/watch/?v=370056348940357>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқидан, 2024.12 январь.

Ўзбекистон телерадиоси (Китоб-энциклопедия), Тошкент. "IJOD-PRESS" нашриёти, 2022. – Б.3.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов А., Ўзбекистонда телевидение, Тошкент, Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1964, 45 саҳифа, 6-бет; Шу муаллиф, Ойнаи жаҳон фидойилари, Тошкент, "Тафаккур", 2009, 168 саҳифа, 8- бет
2. Алишер Навоий, Садди Искандарий, Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 832 саҳифа, 328-бет
3. Шу асар, 707-бет
4. Каримов А., Становление и развитие телевидения Узбекистана 1957-1967 гг. Автореф. дисс. канд. ист.наук, Ташкент, 1971; Есин А., Радио и телевидение Узбекистана: рост, достижения, проблемы, Тошкент, «Узбекистан» 1975; Фаязов М. Средства массовой информации и нравственное воспитание. Ташкент, «Узбекистан», 1981; Асадуллаев М., Телевиденининг назарий ва амалий асослари, Тошкент, "Мумтозсўз", 2021; Маҳамедов М., Умр лаҳзалари. Режиссёрнинг ҳаёт кечинмалари. –Т.: "Адабиёт учкунлари", 2018; Ўтаев Ў. Телевидение – табаррук маскан. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2010; Ўрмонова С., Тележурналист, Тошкент, "ИЛМ- ЗИЁ-ЗАКОВАТ", 2021; Каримов А. А., Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти сифатида, Тошкент, "ADABIYOT", 2021; Хаджаев А., Ҳайитов Ш. Радио ва телевидение: Ўқув-услубий қўлланма.– Тошкент, "IJOD-PRESS", 2022; Шу муаллифлар, Ўзбекистон телерадиоси (Китоб-энциклопедия), Тошкент, "IJOD-PRESS" нашриёти, 2022; Шу муаллифлар, Телевидение менинг тақдиримда (Эссе, бадиа, мақолалар), Тошкент, "IJOD-PRESS", 2022; Шу муаллифлар, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниси: замон билан ҳамқадам, Тошкент, "IJOD-PRESS", 2022 ва ҳоказо
5. Саримсоқов Б., И., Олқишлар ва қарғишлар//Ўзбек фольклори очерклари, Уч томлик, Биринчи том, Тошкент, "Фан" нашриёти, 1988, 288 саҳифа, 128-152-бетлар; Саттор Маҳмуд, Ўзбек удумлари, Тошкент, "Фан" нашриёти, 1993, 224 саҳифа, 169-174-бетлар
6. Дўстмуҳаммад Х., Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил, Монография, Т.: "Янги аср авлоди", 2007, 216 саҳифа, 78-бет
7. <https://www.facebook.com/watch/?v=370056348940357>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқидан, 2024.12 январь.